

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ВА ҲУДУДЛАР РИВОЖИ УЧУН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт-логистика тизимини ривожлантириш ва мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Шарқ ва Ғарби боғловчи куруқликдаги йирик транспорт хабига айланиши учун кенг имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз худудидан халқаро аҳамиятга эга 4 минг километр транзит йўлакларига ўтади, 4 минг 700 километр темир йўл тармоғи бор.

Тошкент шаҳри, Навоий ва Наманганда замонавий транспорт-логистика марказлари ва “куруқлик портлари” ривожланмоқда. Навоий аэропорти Евроосиё ҳаво йўлакларига муҳим карго тугуни вазифини бажармоқда.

Шу билан бирга, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини куриши, Трансафғон темир йўли лойиҳасини жадаллаштириш мамлакатимизнинг минтақавий ва халқаро транспорт тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Ушбу йирик лойиҳалар ишга тушиши натижасида Ўзбекистон Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа куруқлик йўлининг асосий бўлинига айланади. Мазкур йўналиш аънанавий йўналишларга нисбатан юк ташиш вақтини 3 баробаргача қисқартириб, 8 кунгача тушириш имконини беради. Шунингдек, Покистоннинг Карачи ва Гадад портлари орқали Ҳинд океанига, қарий 2 миллиард аҳоли яшайдиган Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун энг тезкор йўл очилади.

Тақдиротда мамлакатимизда бу борадаги имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Маълумки, Хитой ва Европа ўртасида йиллик товар айланмаси 800 миллиард долларни,

юк ташиш ҳажми эса 120-150 миллион тонна ташкил этади. Агар Ўзбекистон йилига қўшимча 15-20 миллион тонна халқаро транзит юкни қабул қила оlsa, 400-600 миллион доллар қўшимча даромад, логистика марказлари ва терминаллар курилишига 3 миллиард доллар хорижий инвестиция, 50 мингта барқарор иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади. Бу иқтисодийёт ўсишига қўшимча 1,5-2 фоизлик суръат бериши мумкин.

Бироқ ҳозирча Ўзбекистоннинг ушбу транзит айланмасидаги улуши 1-2 фоиздан ошмапти. 2025 йилда транзит юк ташиш ҳажми 15,3 миллион тонна ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 54 фоиз ўсган бўлса-да, мавжуд салоҳият бундан анча юқори.

Таҳлилларга кўра, чегара ўтказиш пунктлари кўп бўлишига қарамай, уларнинг аксарияти халқаро юкларни тезкор қабул қилиш ва расмийлаштириш қувватига эга эмас. Мамлакатимизда халқаро талабга мос 27 та логистика маркази мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати 27,2 миллион тонна ташкил этади. Бироқ фақат биттаси юқори тоифага эга. Автоматлашган “А” тоифадаги омборлар жами эҳтиёжнинг 10-15 фоизини қоплайди, замонавий музлаткичли ва божхона омборлари етишмайди.

Шунингдек, логистика марказлари асосан Тошкент шаҳри ва унинг атрофида жойлашгани, контейнерлаштириш улуши пастлиги, давлат органлари ва хусусий логистика марказлари ўртасида ахборот тизимлари тўлиқ интеграция қилинмагани, соҳада рақамлаштириш даражаси етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдиротда Хонобод ва Ангрен шаҳарлари, Янгийўл, Оҳангарон, Олот ва Термиз туманларини транспорт-логистика соҳасига ихтисослаштириш таклиф этилди.

Хонобод шаҳри “Хитой йўли дарвозаси” сифатида Хитой — Марказий Осиё — Каспий — Кавказ — Европа, Хитой — Марказий Осиё — Трансафғон ҳамда Хитой — Марказий Осиё — Эрон транзит йўлакларига хизмат қилади. Ангрен шаҳри, Янгийўл ва Оҳангарон туманлари транзит ва ташқи савдо юкларини оралиқ тақсимлаш марказлари сифатида ривожлантирилади.

Олот тумани “Ўрта йўлак дарвозаси” сифатида Хитой — Марказий Осиё — Каспий — Кавказ — Европа ҳамда Хитой — Марказий Осиё — Эрон йўналишларига, Термиз тумани эса “Трансафғон йўлаги дарвозаси” сифатида Хитой — Марказий Осиё — Трансафғон — Покистон транспорт йўлагига ихтисослашади.

Ушбу худудларда логистика марказлари ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорларга ҳар бир худудда 50 гектардан, жами 300 гектар ер майдони таклиф этилади. Бу мақсадлар учун ҳар йили 200 миллион долларлик имтиёзли ва кам фоизли кредит линияларини йўналтириш назарда тутилмоқда. Логистика марказлари учун ташқи инфратузилма бюджет ҳисобидан барпо этилади.

Шунингдек, Қибрай ва Термиз туманларида божхона терминали ҳамда автоурунгоҳлар куриши, Хонобод шаҳрида халқаро темир йўл чегара ўтказиш пунктини барпо этиши, Янгийўл туманидаги темир йўл станциясини кенгайтириш, Оҳангарон туманида

“А” тоифадаги йирик логистика марказини куриш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Тақдиротда рақамлаштириш ва замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Логистика марказларида терминалларни бошқариш ва омборни бошқариш тизимини жорий этиш, уларни “E-logistika” платформасига интеграция қилиш, автотранспорт воситаларини онлайн кузатиш, автотранспорт рақамларини аниқлаш ва электрон ҳисобга олиш тизимини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Чегара ўтказиш пунктларида “ягона тўхташ” (one stop) тамойилини жорий қилиш орқали юкларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Соҳада хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун логистика марказларига замонавий усуналар, омборхона ва юк ортқиш-тушириш техникалари, агрегат ва эҳтиёт қисмларини олиб киришда божхона божига ҳамда мажбурий сертификатлаш талабларини энгиллаштириш таклиф қилинди.

Президентимиз транспорт-логистика тизими мамлакат экспорт салоҳияти, инвестициявий жозибадорлиги ва худудлар ривожини учун стратегик аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мутасаддиларга халқаро транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, логистика марказлари тармоғини кенгайтириш, соҳани рақамлаштириш ва хусусий сектор учун қўлай шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ГРУЗИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзенинг таклифига биноан 2-3 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Тбилиси шаҳрида Грузия Президенти Михаил Кавелашвили ҳамда Бош вазири Ираклий Кобахидзе билан музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Грузия дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ўрни олган.

Сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, парламентларо ва худудларо алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар аламинувларни фаоллаштиришнинг амалий жиҳатлари атрофида муҳокама қилинади.

Томонлар саноат, фармацевтика, кимё, қишлоқ хўжалиги, туризм, энергетика

ва ахборот технологиялари соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратади.

Шу билан бирга, транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратиш масалалари диққат марказида бўлади.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб мавзулар юзасидан ҳам фикр алмашади.

Саммит якунлари бўйича ҳамкорликнинг турли йўналишларини қамраб оладиган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини имзолаш режалаштирилган.

Ў.А.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРУЗИЯ: ТАРИХИЙ ДЎСТЛИКДАН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2-3 июль кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлади.

Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихий илдизларга эга бўлиб, бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатни нафақат қадимий савдо йўллари, балки ўзаро ҳурмат, ишонч ва

манфаатларга асосланган ҳамкорлик ҳам боғлаб туради. Кейинги йилларда олий даражадаги ташрифлар, савдо-иқтисодий алоқалар кенгайтиши ва маданий мулоқотлар фаоллашуви икки давлат муносабатларини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Давоми 2-бетда



Футбол бўйича Жаҳон чемпионати биз учун тугади. Улкан кутилмалар, орзулар, ғалабамизни нишонлашга бўлган мислсиз иштиёқ қатор мағлубиятлар қозигига қоқилди. Мухлислик, ватанпарварлик, куйинчаклик ҳисси миллионлаб юракларни қуршаб олди. Ҳис-ҳаяжонлар жўшиб, бундай ҳолатда кимдир айбдорларни қидирса, бошқалар юпанч оstonасидан жой элалади.



БИЗ, АЛБАТТА,

УЛКАН ҒАЛАБАЛАРГА ЭРИШАМИЗ ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Қалблардан тинимсиз отилаётган ҳайқирчиқлар ҳали-ҳамон уммонларни тоширмоқда. Нега шундай бўлди? Нега биз бу чемпионатда муваффақият билан юзлашмадик? Наҳотки, биз ғалабага лойиқ эмасмидик? Шу каби саволлар қўришда юртдошларимизнинг умидли нигоҳлари сўнгги кунларнинг беҳишёр ҳамроҳи бўлди.

Айримлар Жаҳон чемпионатида чиқишимизнинг ўзи буюк тарих, футболчиларимиз борини бериб ўйнади, деса, бошқалар асосан мураббий маҳоратининг йўқлиги ҳамда баъзи футболчиларнинг савиясини рўқач қилиб хейтлашди.

Шуларни кўрганда, ўйлаб қоларкансан киши: “Ахир кечагина биз терма жамоамизни Жаҳон чемпионатида чиққанида кўкка кўтариб мақтаб, гурур ва ифтихор денгизиде сузгандик. Нега бугун мағлубиятга дуч келганда қирқоқнинг нариги томонига ўтиб, уларга аёвсиз хейтлар ёғдирилди...”

Куни кеча Япония терма жамоаси Бразилияга қарши тенгма-тенг курашиб, 1:1 ҳисобида якун топаётган ўйиннинг охириги сонияларида гол ўтказиб юбориб, чемпионатдаги юришини тўхтади.

Мураббийдан тортиб, футболчилар ва бутун япон халқи йилгиди... Ўта аламли мағлубиятдан сўнг мураббий ва футболчилар стадиондаги ишқибозлар ва бутун мамлакат халқидан уэр сўради.

Қойил қолиш керак, японлар кўз ёшларини тия олмас-да, терма жамоасини ёмонлаганини кузатмаёмиз. Кузатмаймиз ҳам... Тасанно! Мана миллат ва халқ яқдиллиги, ҳамжихатлиги...

Лекин мағлубиятдан кейин ўз жамоаларини ҳақорат ва беписандлик уммонига фарқ қилганлар ҳам бўлди.

Мана Уругвай терма жамоаси футболчилари аэропортда чипта қидириб сарсон бўлди. Нимага? Чунки мамлакат футбол федерацияси терма жамоа мағлубиятга учраб, гуруҳ босқичидан чиқа олмаганидан кейин, уларга аталган чартер рейсини бекор қилгани ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди.

Буни қандай тушуниш керак? Шунингдек, жаҳон мағбуотида Жанубий Корея ҳам гуруҳдан чиқолмагач, ушбу мамлакат футбол федерацияси ва терма жамоаси фаолиятини ўрганиш ҳаракатига тушгани ҳақида хабарлар чиқа бошлади.

Буям ёндашувми? Халқимизда “Ғалабининг минг битта отаси бор, мағлубият эса ҳаминча етим” деган нақл юради. Ҳақиқатан, биз биринчи бор иштирок этган Жаҳон чемпионати ҳаммамиз учун синовий бўлди.

Бундай пайтда биз қандай йўл тутишимиз керак деган савол барчамизни қийнаши турган гап.

Франциялик йирик олим Гюстав Лебон “бирор бир миллатнинг миллат сифатида шаклланиши учун минг йиллар керак”, деган экан.

Биз — уч минг йиллик тарих соҳиб бўлган миллатимиз, қудратли халқимиз.

Миллатимиз, халқимизга эса асрлар давомида баррикентлик, ватансеварлик, инсонпарварлик каби олижаноб хислатлар хос, албатта.

Алоҳида таъкид қилиш керак, мана шундай онларда давлатимиз Етакчисининг бу жаҳон чемпионати якунларига муносабати жуда кўпчилигининг, хусусан, мининг ҳам юрагимга мўъжизали малҳам бўлди.

Бу холис фикр. Буни айтмаслик ҳам инсофдан бўлмас.

Юртда, миллатда, халқнинг ана шундай мушкул кечмиш онларида жуда топиб айтилган сўзлар, менимча, ҳаммамизнинг ҳовуримизни тушириб, ҳолатга кенгроқ ва чуқурроқ қарашга ундади.

“Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоамиз аъзоларига ортиқча ҳис-туйғу билан эътироз билдириш, улاردан айб қидириш халқимизга хос иш эмас. Аксинча, бугун уларни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим”, деди Президентимиз.

Айнан шундай, жамоамиздан хафа бўлиш халқимизга хос иш эмас.

АҚШдан қайтган терма жамоамизнинг аэропортда тантанали равишда кутиб олинishi ҳам миллатимизнинг, халқимизнинг, ҳар биримизнинг ким эканлигимизни яна бир бор намоён этди, десак буям айни ҳақиқат.

Тан олайлик, матонатли ўғлонларимиз майдонда борини бериб курашди. Уларнинг оёқлари ҳам, қалблари ҳам моматалоқ бўлганини ўзимиз кўрдик.

Ҳаётдаги ҳақиқий голиб ҳеч қачон йиқилмайдиган эмас, балки ҳар сафар йиқилганидан яна ўрнидан туриб, ўз устиди ишлай оладиган, мақсади сари курашишда давом этадиган инсондир.

Муваффақият орта чекнимасликда эмас, балки қийинчиликлардан сабоқ чиқариб, янада кучлироқ бўлиб қайтишдадир.

Дарҳақиқат, биз бу синовлардан бошимизни гурур билан кўтарган ҳолда ўтамыз. Камчиликларимизни тўғрилаймиз.

Биз кучли бўлиб қайтамыз. Биз, албатта, улкан ғалабаларга эришамиз — Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ: МАҲАЛЛА ТИЗИМИ БОШҚАРУВ ТАЯНЧИГА АЙЛАНМОҚДА

Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони. Ҳар қандай ислохотнинг реал натижаси, энг аввало, маҳалла ҳаётида акс этади. Бу фикр бугун Ўзбекистонда баландпарвоз гап эмас, балки давлат сиёсатининг энг устувор йўналишидир.

Мамлакатимиз етакчисининг “Турли соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимизнинг натижалари, юртимизда юз бераётган ўзгаришлар самараси, аввало, маҳаллаларда, у ерда яшаётган одамларнинг кайфиятида намоён бўлади. Шу маънода, маҳаллани жамиятимиздаги барча жараёнларни тиниқ акс эттирадиган ўзига

хос кўзгуга қиёслаш мумкин”, деган қатъий позицияси янги Ўзбекистонда маҳалла тизимига эътиборнинг амалий намунасидир. Дарҳақиқат, маҳалла институти бугун халқ ва давлат ўртасидаги энг ишончли тузилмага айланди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРУЗИЯ: ТАРИХИЙ ДЎСТЛИКДАН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК САРИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ва Грузия ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йил 19 август куни ўрнатилган. Шундан буён икки томонлама сиёсий мулоқот изчил ривожланиб келмоқда. 1995 йил сентябрда ўзаро муносабатларнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Сўнгги йилларда давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўртасидаги мунтазам учрашувлар сиёсий ишонччи янада мустаҳкамланди. Айниқса, 2022-2025 йилларда икки мамлакат Президентлари даражасидаги музокаралар, Бош вазирларнинг ўзаро расмий ташрифлари, ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар ҳамкорликка янги суръат бағишлади.

2025 йил 5 март куни давлатимиз раҳбари мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда савдо-иқтисодий,

инвестиция, транспорт-логистика, туризм ва маданият соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Парламентлар ва ҳукуматлар даражасидаги алоқалар фаоллашгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Олий Мажлисида Грузия парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ фаолият юрғитади. Грузия вакиллари Ўзбекистонда ўтказилган Президент ва парламент сайловларида халққаро кузатувчи сифатида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Икки мамлакат ўртасида эркин савдо режими амал қилади. Бу эса товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсишига хизмат қилмоқда.

Сўнгги беш йил ичида товар айирбошлаш ҳажми икки ярим барабар ошди, қўшма корхоналар сони ва юк айланмаси кўпайди.

Мамлакатимизда грузиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган рақамли банк фаолият юрғитмоқда.

2025 йил июнь ойида Тбилиси шаҳрида “Made in Uzbekistan” миллий кўргазмаси ташкил этилди. Унда тўқимачилик, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат, машина-созлик ва бошқа соҳалардаги юздан ортқ етакчи ўзбек корхонаси иштирок этди.

Икки мамлакат ҳамкорлигида транзит ва транспорт-логистика масалалари алоҳида ўрин тутди. Жорий йил июнь ойида Грузиянинг Ахалкалаки шаҳрида янгиланган Боку — Тбилиси — Карс темир йўлининг расмий очилиш маросими ўтказилди. Истиқболда мазкур транспорт йўлининг бунёд этилаётган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли билан уйғунлашуви мамлакатларимизнинг транзит салоҳияти янада ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги маданий муносабатлар бой анъаналарга эга. Мамлакатлар мунтазам равишда кино кунлари, маданий фестиваллар, илмий ва таълим соҳасидаги тadbирларни ташкил этиб келмоқда.

Ўтган йили Тбилиси шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва кинеси кунлари, жорий

йилда эса Тошкент шаҳрида Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига таниқли грузин шоири Шота Руставели номи берилгани ва ҳайкали қўйилгани икки давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлигидан далолат беради.

2025 йилда Тбилиси шаҳри кенгаши қарорига мувофиқ, Грузия пойтахтидаги истироҳат bogларидан бири буюк ўзбек мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий номи билан аталди. Бу икки халқнинг бир-бирининг тарихи ва маданиятига юксак ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Бугунги кунда Тошкент — Тбилиси ҳамда Тошкент — Батуми йўналишларида тўғридан тўғри авиакатновлар борлиги сайёҳлик ва ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда тўрт мингга яқин грузин истиқомат қилади. 1994 йилдан буён Тошкент шаҳрида “Мегороба” (“Дўстлик”) грузин миллий маданий маркази фаолият юрғитиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасидаги муносабатлар илдизи қадимги даврларга бориб тақалади. Антик муаллифлар Хоразм билан Колхида ўртасида Амударё ва Каспий денгизи орқали савдо алоқалари мавжуд бўлганини қайд этган.

Буюк ипак йўли шаклланишидан кейин, айниқса, VI асрдан бошлаб Самарқанд, Бухоро ва Хоразм орқали Кавказ ҳамда Византияга олиб борувчи муҳим савдо йўналиши вужудга келди. Шота Руставелининг XII асрда яратилган машҳур “Йўлбарс терисини ёлпиган паҳлавон” достонига ҳам Хоразм тилга олинди. Бу эса ўрта асрлардаги Грузия билан Марказий Осиё ўртасида чуқур тарихий, маданий ва савдо алоқалари мавжуд бўлганидан далолат беради.

Кейинчалик ҳам грузин миллиятига мансуб шахслар Ўзбекистон ҳаётида фаол иштирок этган. Улар орасида тadbиркорлар, мезморлар, олимлар, санъаткорлар ва шифокорлар бўлган. Тошкентдаги машҳур “Колдзей” театрини қурдирган тadbиркор Георгий Цинцадзе, Ўзбекистон археология фани ривожига улкан ҳисса қўшган

академик Эдуард Ртвеладзе каби шахслар икки халқ дўстлигининг ёрқин тимсоллари ҳисобланади.

Айниқса, академик Эдуард Ртвеладзенинг Ўзбекистон тарихи ва Буюк ипак йўлини ўрганишга бағишланган юзлаб илмий ишлари, Сурхондарёдаги қадимги шаҳар ўрнини аниқлашдаги меҳнатлари жаҳон илм-фанида катта воқеа сифатида эътироф этилган.

Бугунги мураккаб халқаро шароитда Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, очик мулоқот ва амалий ҳамкорлик асосида изчил ривожланмоқда. Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, фаол иқтисодий ва гуманитар алоқалар, бой тарихий мерос ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шубҳасиз, бундай кенг кўламли алоқалар, турли учрашув ва мулоқотлар келгусида савдо, транспорт, инвестиция, туризм, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратади.

“Дунё” АА

Ҳар йили 30 июнь куни давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилади. Янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, улар учун имтиёз ва имкониятларни яратиб беради. Хусусан, спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Масалан, фахримиз саналган футбол жамоамизнинг жаҳон чемпионатида иштироки этиши барчамиз учун оламшумул воқеага айланди.



ОНА ЮРТИМГА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ДОИМ ТАЙЁРМАН

бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳуқуқбузарлик ва турли салбий иллатларнинг олдини олиш борасида тизимли ва манзилли ишларни йўлга қўйганмиз. Сўзимни спорт мавзуси билан бошлаган эдим. Туманимизда ҳам спортга эътибор жуда яхши. Спорт мактаби билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, маҳалладаги иқтидорли ёшларни аниқлаш ва спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида тинимсиз ишляямиз. Аслида, ўзим ҳам спортчиман. Ёш спортчилар билан турли даражадаги мусобақаларда муносиб натижаларга эришиб келмоқдамиз. Жумладан, 2022 йилда футбол бўйича ДХХ раиси кубоги мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ғолибликни қўлга киритган бўлсак, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида волейбол бўйича 22-30 ёшли қизлар ўртасида

Ўзбекистон А лигасида фахрли 3-ўринни қўлга киритдик. 2024 йилда футбол бўйича ДХХ раиси кубоги мусобақасида Тўртқўл тумани босқичида ғолиб бўлдик. 2025 йилда айна шу мусобақанинг Қорақалпоғистон босқичида 2-ўринни эгалладик. 2025 йилда “Йилининг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг Ўзбекистон Республикаси босқичида “Ёшлар дафтери” тизимида самарали иш ташкил этган энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси йўналиши бўйича 1-ўринни эгалладим. 2025 йил якуни бўйича 4-чорак натижаларига кўра, Ўзбекистон миқёсида 100 та энг яхши ёшлар етакчиси каторидан жой олдим. Камтарона меҳнатларим инобатга олиниб, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Албатта, бундан гурурланаман. Келажак режаларим бисёр. Энг асосийси, ватанимга, она юртимга хизмат қилишга доим тайёрман.



Қудратбек МАҲАММАДЖОНОВ, Фаргона давлат техника университети магистранти, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиб

гурурланаман, шу билан бирга, дахлдорлик, масъулиятни ҳис қиламан. Юртимизда иқтидорли ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Уларни, энг аввало, ҳеч иккиланмасдан ҳаракат қилишга чорлайман. Кўпчиликнинг гоёси бор, лекин “ишламаса-чи?” деган қўрқув уларни тўхтаб қўяди. Мен ўзим ҳам ҳар бир хатодан сабоқ олиб, олдинга интилишда давом этишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, жамоа бўлиб ишлаш, билим ва маҳоратни бошқалар билан баҳам қўриш муҳим ҳисобланади. Ёлғиз эришилган галаба узокқа бормайди. Магистратурани якунлаб, илмий фаолиятимни давом эттиришни режалаштиряман. Шу билан бирга, “Стартап маркази” орқали яна кўпроқ талаба ва ёш тadbиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг гоёларини реал лойиҳаларга айлантиришга ёрдам бераман. Асосий мақсадим — илм-фан ютуқларини халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилдириш.

Муносабат

МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Президентимиз ёшларимиз билан учрашув ўтказди. Бу эзгу анъана, шубҳасиз, давлат ва ёшлар ўртасидаги ишонч, ҳамкорлик ва масъулиятга асосланган ижтимоий шартноманинг рамзий ифодаси, янги Ўзбекистон келажигини ёшлар билан биргаликда барпо этиш гоёсининг амалий тасдиғидир. Негаки ёшлар — эртанинг умиди, эгалари. Уларнинг фикри, ташаббуси ва интилишларига давлат сиёсати даражасида алоҳида аҳамият бериш, зарур имконият ва шароит билан бирга тўғри йўл-йўриқ, йўналиш бериш ҳам муҳим.

сифатини ошириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқланган инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилапти.



Абдухалиқ ТАШАНОВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари доктори

Учрашувда давлатимиз раҳбари “Бугунги куннинг муваффақият формуласи, эртанинг тараққиётнинг мустаҳкам замини учта энг муҳим устунга таянади. Бу — билим, касб ва технология! Менинг ниятим — ҳар бир йигит-қиз ана шундай имкониятга эга бўлиб, ҳаётда муносиб ўрнини топсин”, дея замонамиз ёшлари учун энг долзарб, зарурий жиҳатларни кўрсатиб ўтди.

Аслида, Президентимиз кўзда тутган билим, касб ва технология уйғунлиги замонавий тараққиётнинг асосий драйверларидан биридир. Билим инсоннинг интеллектуал салоҳиятини шакллантирса, касб амалий кўникмаларини мустаҳкамлайди, технология эса мазкур билим ва кўникмаларни юқори самарадорлик билан қўллаш имконини беради. Шунинг учун бугун дунё интилаётган ва қўллаётган рақамли иқтисодиёт шароитида рақобатбардош давлатлар айнан илм-фан, инновация ва юқори малакали кадрларга таянади.

Янги Ўзбекистон ёшлари мазкур жараённинг асосий иштирокчилари ва вевосита ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, уларни замонавий касбларга тайёрлаш, дастурлаш, сунъий интеллект, робототехника, киберхавфсизлик ва рақамли тadbиркорлик каби йўналишларда билим олиши учун кенг имкониятлар яратилишмоқда. АТ парк резидентлари, “Бир миллион ўзбек дастурчиси” дастури, сунъий интеллект лабораториялари, стартап акселераторлари ва инновацион марказлар ёшларнинг гоёларини амалий лойиҳаларга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз бу борадаги фикрларини давом эттирар экан, бугунги “билимлар иқтисодиёти” хусусида сўз юритиб, жумладан, “Билимлар, энди давлатлар худуди билан эмас, билими билан, аҳоли сони билан эмас, технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас, инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Билим, илм-фан ва тафаккур махсули бўлган янги “билимлар иқтисодиёти” ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда”, дея ўқтирди.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг ҳақиқий бойлиги ер ости бойликлари эмас, балки унинг илми, соғлом, ташаббускор ва рақобатбардош фуқароларидир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу гоёси янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ҳам асосий фалсафасини ташкил этади. Мамлакатимизда таълим

Бунинг натижасида ёшлар нафақат меҳнат бозорига рақобатлаша оладиган мутахассисларга, айни вақтда янги технологиялар, инновацион маҳсулотлар ва юқори қўшимча қиймат яратувчи иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиши шубҳасиз. Демак, мазкур ибора ҳар бир ёш учун билим олиш, ўз устида мунтазам ишлаш, замонавий технологияларни эгаллаш ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мамлакат тараққиёти ва халқаро рақобатбардошлигининг ҳам энг муҳим шарти эканини аниқлатади.

Юксак ишонч ва эътирофлар эса навқирон авлод вакиллари янада руҳлантириб, дадил олға қадам босишга ундаш тайин. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга қарата айтган “Мен катта саложият бор, кистедод бор, иқтидор бор. Сизлар ўз даврида буюк кашфиётчи билан дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг “ақл чироғи” бўлган буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларисиз. Албатта, ворислик фақат фахрланмиш эмас, ворислик бу улкан масъулият ҳамдир!” деган сўзлари шу юртга, она ватанимизга дахлдорлик ҳисси билан яшаётган ҳар бир ўғил-қизни тўлқинлантирган, қўшимча куч-гайрат бағишлаган бўлса ажаб эмас.

Аждодларимиз ўз даврида математика, тиббиёт, астрономия, фалсафа ва адабиёт соҳаларида инсоният тараққиётига беқиёс ҳисса қўшгани билан ҳамиша ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг авлодлари, маънавий издошлари бўлган бугунги янги Ўзбекистон ёшлари эса рақамли технологиялар, сунъий интеллект, муҳандислик, стартаплар ва илмий тадқиқотлар орқали ана шу маърифий меросни замонавий мазмун билан бойитиш имконига эга.

Шу маънода, уларнинг вазифаси буюк аждодлар меросини фақат ўрганиш эмас, балки уларни янги илмий кашфиётлар, инновацион ечимлар ва интеллектуал ютуқлар билан давом эттириб, Учинчи Ренессанснинг асосий бунёдкорларига айланишдан иборат. Ана шунда халқимизнинг азалий орзу-интилишлари, мақсад-муद्даолари ушалди — Ўзбекистон жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиб, халқимиз яна дунё нигоҳини ўзига қаратади, маданияти, маънавияти ва даҳоси билан жаҳон халқларига сабоқ беради. Ишонамизки, кўзларида ўт, юрагида олов ёниб турган, томирида шиддат оқиб, зехни кун сайин чарчланмаётган, энг муҳими, ўзига ишончи юқори бу ёшлар билан ана шу кунлар албатта яқин.



Нодирбек АЛИМБОЕВ, Тўртқўл тумани “Уллубоғ” овул фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиб

Тўртқўл тумани “Уллубоғ” овул фуқаролар йиғинида 2022 йилдан буён ёшлар етакчиси сифатида ишлабман. Маҳалла ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш,

“МАРД ЎҒЛОН”ЛАР САФИДА БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Жорий йилги байрам ҳаётимда унутилмас воқеа ва ҳодисалари билан ёдимда қолди. Шу куни Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Бундан жуда фахрландим, қувондим.

Фаргона вилояти Данғара туманидаги чекка қишлоқда оддий оилада туғилиб воёга етганман. Авваллари қишлоқ ва шаҳарлик ёшлар ўртасида қандайдир тафовут, тўсиқ бордек кўринарди. Қишлоқларда замонавий билим олиш, спорт билан шуғулланиш учун шароит етарли эмасди. Аксарият ёшлар ишсиз, билим ва хунар ўрганиш имкониятларига эга бўлмаган. Бугун ҳаммаси ўзгача. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий таълим, маданият, спорт масканлари қурилиб, фаолият кўрсатиб келаятгани ёшлар ҳаёт тарзини ўзгартирди, янги ташаббусларга қанот бўлди.

Юртимизда ёшлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар туғайли 2020 йилда Фаргона политехника институтининг (ҳозирги Фаргона давлат техника университети) “Электр таъминоти” йўналишига тўлов-шартнома асосида ўқишга кириб, 2024 йилда аъло баҳолар билан тугатдим. Шу йили ўзим танлаган йўналиш бўйича магистратурага грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Ҳозирги кунда мазкур университетда электр таъминоти йўналиши 2-босқич магистранти сифатида таҳсил оляпман. Шу билан бирга, “Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш” бўлимида мутахассис сифатида фаолият юрғитиб келаман. Университет қошида ташкил этилган “Стартап маркази” раҳбариман. Бу ерда устозларимиз раҳбарлигида ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал

этишга қаратилган қатор лойиҳалар устида излашни, тадқиқотлар олиб боришимиз. Шу кунга қадар устозларимиз кўмагида Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани ва Нукус аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуёш энергияси асосида ишлайдиган сув олиш қурилмалари ҳамда тескари осма фильтр каби инновацион технологияларни ишлаб чиқдик. Бу қурилма қуёш панеллари ёрдамида ҳавони ичкарига тортиб музлатади ва кейин эритиб беради. Фильтрланиб минераллаштирилганидан сўнг ичимлик сувга айланар экан.

Бу лойиҳалар АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID)нинг Орол денгизи қуриган тунбуда экотизимни тиклашга қаратилган дастури доирасида амалга оширилди. Бундан ташқари, қўл-оёқдан маҳрум инсонлар учун экзокелет лойиҳаси устида ҳам иш олиб боришимиз. Бугунга қадар турли 5 та ихтиро ва инновацион технология дастурлари учун муаллифлик гувоҳномасини олдим. 2025 йилда Грeen Спарк халқаро танловида ғолиб чиқиб, 5 минг АҚШ доллари миқдориди пул мукофоти ва муҳандислик республика танловининг “Энг яхши лойиҳа” номинацияси совриндори бўлганман.

Юксак эътироф, шахсан мен учун эмас, балки мен билан бирга ишлаган, кечая кундуз меҳнат қилаётган устозларим, ҳамкасбларимнинг меҳнати ва изланишларига берилган баҳо. Бундан албатта

2026 йил 2 июль, 132-сон



ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ СОНИ 39 МИЛЛИОНДАН ОШГАН

Умуммиллий рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижалари эълон қилинди

Жорий йил бошида мамлакатимиз бўйлаб аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш умуммиллий тадбири ўтказилган. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ташкил этилган мазкур йирик тадбир юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотиб, рўйхатдан ўтиш талабларига жиддий ва масъулият билан ёндашганларига ҳам гувоҳ бўлди. Кўпчилик тадбирнинг аҳамияти, юртимизга оид статистик рақамларни аниқ шакллантириш, ишончли ва замонавий маълумотлар базасини яратишда муҳим эканини яхши англади. Хатто жараёндан сўнг мавжуд рақамлар мутлақо ўзгариши ёки янгиланиши мумкинлиги ҳам тахмин қилинганди.

Ўтказилган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижалари шу йил 30 июнь кунин Миллий статистика қўмитаси томонидан эълон қилинди. Рақамларда чиндан қўрилган ўзгаришлар бор. Масалан, мамлакатимиз аҳолиси сонидан 810 мингдан кўпроқ фарқ кузатилади — Ўзбекистон фуқаролари сони жорий статистик ҳисоб-китоблар бўйича 38 236 704 нафарни ташкил этган бўлса, рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари бўйича 39 047 321 нафарга етгани қайд этилди.

Уларнинг 54,5 фоизи шаҳарларда, 45,5 фоизи қишлоқ жойларда яшамоқда. Аҳолининг жинси бўйича тақсимотда ҳам қўрилган ўзгариш бор, эркеклар аёлларга нисбатан кўпроқ экани аниқланди. Маълумотларга кўра, айни пайтда эркеклар сони 19 766 166 нафарни, аёллар сони эса 19 281 155 нафарни ташкил этмоқда. Аҳолининг миллатлар бўйича таркибидан эса ўзбеклар 89,4 фоиз бўлиб, фуқароларнинг 91,3 фоизи ўзбек тилини она тили сифатида кўрсатган.

Қишлоқ хўжалигига оид статистик рақамларда ҳам ўзгаришлар катта. Дастлабки натижаларга кўра, деҳқончилик мақсадида фойдаланиладиган умумий ер майдони 4,8 миллион гектарни, бадиқ боқиш ҳавзалари 652,8 минг гектарни ташкил этмоқда ва ҳоказо.

— Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказилган кенг қўламдаги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижаларини эълон қилдик. Бу тўпланган маълумотларнинг тахминан 14-15 фоизини ташкил этади, қолган рақамлар эса келаси йилнинг июль ойига қадар электрон платформалар орқали босқичма-босқич эълон қилиб борилади, — деди Миллий статистика қўмитаси раиси Бехзод Ҳамроев. — Гап шундаки, мазкур тадбир юртимиз амалиётида илк йирик миллий рўйхатга олиш ҳисобланади ва деярли 37 йил давомидаги маълумотлар кузатув ишлари олиб борилиб, маълумотлар бир неча манбалар билан солиштирилган. Яъни юртимизда бу борада аввал тажриба бўлмагани, қолаверса, жаҳон амалиётида ҳам натижалар бир неча йил давомида эълон қилиниши эътиборга олинса, бир оз вақт талаб этилиши табиий. Шунга қарамай, рўйхатга олиш жараёни “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун талабларига кўра ва халқаро тавсиялар, замонавий рақамли технологиялар, очиқлик ва шаффоқлик тамойиллари асосида ташкил этилди ва бу хорижий давлатларда ҳам эътироф қилинмоқда. Хаттоки



бу борадаги Ўзбекистон амалиёти энг яхшилардан бири экани айтиляпти. Бунда, албатта, бизга яқиндан кўмаклашган халқаро ҳамкорлар, хусусан, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори офиси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро миграция ташкилотининг ҳам ҳиссаси катта.

Бир сўз билан айтганда, узоқ кутилган ҳамда юқори тайёргарлик кўрилган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини умуммиллий рўйхатга олиш тадбири юртимизда муваффақиятли якунланди. Салкам икки ой — 15 январдан 28 февралга қадар давом этган тадбир мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеалардан бири бўлиб, халқимиз ва хориж майдони диққат марказида бўлди. Кузатув натижаларига кўра, жараёнда умумий аҳолининг 97,3 фоизи рўйхатга олинган бўлса, 2,7 фоизи турли сабабларга кўра рўйхатга олиш жараёнида қатнашмаган. Аммо бу халқаро меъёрлар бўйича нормал бўлиб, турли давлатларда 10 фоиз ва ундан юқори ҳолатлар ҳам кузатилади.

Бир қарашда булар оддий рақамлар, одатдаги статистика. Аммо тўпланган маълумотларнинг ҳар бири жамият ҳаётидаги муҳим жараёнларни акс эттиради. Масалан, улар аҳоли сони ва таркиби, ҳудудлар бўйича жойлашуви, уй хўжаликлари ва яшаш шартлоари, таълим, бандлик ва миграция жараёнлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ресурслари ва фаолияти тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ушбу маълумотлар мамлакатнинг бугунги қиёфасини холис акс эттирадиган, жамият эҳтиёжларини аниқ кўрсатадиган ва келажакдаги қарорлар учун ишончли йўналиш берадиган стратегик ахборот манбаидир.

Шу боис, статистик маълумотлар аниқ, шаффоф ва ишончли бўлишидан ҳар биримиз манфаатдоримиз. Ҳар ҳолда бугун ўзимиз ҳам статистика дегаанда кўр-кўрона эълон қилинадиган рақамлар эмас, аниқ ҳисобланган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда халқаро стандартларни қўллаш ниҳоятда муҳим.

Рўйхатга олиш тадбирларида юртдошларимиз кутилганидан кўра фаолият кўрсатгани сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш икки босқичда — онлайн ҳамда тегишли ходимлар томонидан уйма-уй юрган ҳолда амалга оширилди. Аввалига ҳамюртларимиз census.stat.uz махсус ахборот тизими орқали онлайн рўйхатдан ўтди. Унда жами аҳолининг 82,3 фоизи иштирок этди ва бу МДХ давлатлари орасида ўзига хос рекорд натижа сифатида қайд этилди. Иккинчи босқичда эса “маҳалла еттилик”нинг 55 мингдан ортиқ ходими ҳар бир хонадонга кириб, тегишли маълумотларни махсус планшетлар орқали ягона электрон тизимга киритиб борди. Рўйхатга олиш жараёни давомида call-марказ орқали кунига 2 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам аҳолининг тадбирда катта қизиқиши билан иштирок этганини кўрсатади.

Мутасаддиларнинг айтишича, тадбир аввалида аҳолининг 20 фоизи онлайн рўйхатдан ўтиши ҳисоб-китоб қилинган. Аммо кутилмаганда бу кўрсаткич анча банд бўлиб, онлайн рўйхатдан ўтиш кўрсаткичи 82,3 фоизга етган. Натижада рўйхатга олиш тадбирлари харажатлари ҳам сезиларли қисқаришига эришилган.

— Дастлабки харажатлар 140 миллиард сўм атрофида ҳисобланган эди, — дейди Бехзод Ҳамроев. — Бироқ аҳолининг интернетдан фойдаланиши ҳамда катта қисми онлайн рўйхатдан ўтгани харажатларни сезиларли камайтирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бир кишини рўйхатга олиш учун сарфланган харажат 0,12 долларни ташкил этди. Жами харажатни ҳисоблаганда, бир неча баробар тежаланиши кўриш мумкин. Бу кейинги йилларда Ўзбекистонда рақамлаштириш кўрсаткичи ортиб бораётгани, одамларнинг электрон платформалар, интернет тармоғидан фойдаланиш даражаси анча юқорилганини кўрсатади. Шу боис, рўйхатга олиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилиб, тарихимизда замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган ва қамрови бўйича энг йирик тадбирлардан бири бўлди.

Буни хорижий мутахассислар ҳам эътироф этмоқда. БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги доимий вакили Нигина Аббосзоданинг таъкидлашича, жаҳон тажрибасида одатда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари учун харажатлар киши бошига камида 3 доллар, ўртача 5 доллардан тўғри келади. Ўзбекистон амалиётида ҳам шундай ҳисоб-китоб қилинган. Бироқ амалда харажатлар сезиларли тежаллиб, бу борада юқори самарадорликка эришилган.

Жараёнга тайёргарлик кўришдан тортиб, уни ўтказиш ва натижаларни таҳлил қилиш босқичларининг барида халқаро экспертлар доимий иштирок этмоқда. Бойси, бундай йирик тадбир халқаро майдонда ҳам ўзига хос амалиёт ҳисобланади. Қолаверса, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда халқаро стандартларни қўллаш ниҳоятда муҳим.

Бунда аҳоли билан бирга қишлоқ хўжалиги ҳам қамраб олингани, айниқса, аҳамиятли. Одатда ушбу иккига йўналишни бир вақтда рўйхатдан ўтказиш жуда катта тадбир бўлиб, жаҳон амалиётида санокли давлатлар тажрибасидагина кузатилади. Ўзбекистон бу борада ўзига хос тажриба яратганлиги ва рўйхатга олиш муваффақиятли ўтгани халқаро миқёсда эътироф этилаётгани боиси шунда.

Рўйхатга олиш натижаларида аввалги рақамлар жорий маълумотлардан муайян даражада фарқ қилиши табиий ҳолат. Чунки шу вақтгача аҳоли сони демографик ҳисоб-китоблар асосида, бошқа маълумотлар эса асосан ҳисобот топширилган орқали шакллантирилган. Қолаверса, Ўзбекистон амалиётида охириги рўйхатга олиш тадбири 1989 йилда ўтказилган, орадаги вақт эса анча катта. Бу реал натижалар борасидаги сезиларли ўзгаришларни юзага келтиради. Аммо рўйхатга олишдан мақсад рақамни ўзгартириш эмас, балки уни аниқлаштиришдир.

Дастлабки натижаларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси сони айни пайтда 39 миллиондан кўпроқ экани бунинг исботи. Кўрсатилишича, Ўзбекистон аҳолиси сони 1897 йилдагидан қарийб ўн баробар, 1989 йилдагидан эса икки баробар ошган.

Одатда бу каби статистик маълумотлар одамлар учун қизиқ бўлибгина қолмай, муайян даврга оид қайдлар, демографик ва бошқа кўрсаткичларнинг умумий манзарасини кўрсатиб берадиган асосий омил ҳисобланади. Уларнинг аниқ, шаффоф ва ишончли бўлиши эса бевосита мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари келгусида демографик ўзгаришларни таҳлил этиш, фуқароларнинг ҳудудлар кесимида жойлашувини баҳолаш, инфратузилмага бўлган эҳтиёжни аниқлаш, яшаш шартлоари ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича манзилли қарорлар қабул қилиш ва тегишли таҳлилларни амалга ошириш имконини беради.

Рўйхатга олиш натижаларига оид рақамларни эса юртдошларимиз электрон платформалар орқали кузатиб боришлари мумкин.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсон қадри учун

Бугунги замонавий дунёда йўл хўжалиги ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Автомобиль йўллари, кўприклар, транспорт йўналишлари, умуман, бутун йўл инфратузилмаси ҳолати аҳоли кайфиятига, қолаверса, товар айланмаси, ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлиги ҳамда хавфсизлик даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Ривожланган йўл тармоғи барқарор ўсишнинг асосидир. Зеро, у ҳудудлар интеграциясини таъминлайди, логистика жараёнлари самарадорлигини оширади ҳамда фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Йўл хўжалигини ривожлантириш иқтисодиёт, ижтимоий инфратузилма, транспорт тизими ва халқаро ҳамкорлик йўналишларида алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиётда сифатли йўллар ташвиш харажатларини камайтиради, юк етказиб бериш тезлигини оширади ҳамда кичик ва ўрта бизнес фаолиятини рағбатлантиради.

Яна бир муҳим жиҳат. Ижтимоий соҳада ҳам қулай транспорт тизими аҳолига таълим, тиббиёт ва меҳнат бозорига тенг имконият яратади. Шунингдек, соҳага замонавий бошқарув тизимлари, “ақлли” светофорлар ва рақамли мониторинг платформалари жорий этилиши йўллардаги юкларни камайтириб, ўтказувчанликни оширади.

Халқаро миқёсда эса ривожланган йўл инфратузилмаси транзит имкониятларини кенгайтириб, хорижий ҳамкорларни жалб этади ва мамлакатнинг глобал транспорт йўлакларига интеграциясини кучайтиради. Масалан, Германия, Япония, Жанубий Корея ва Сингапурда йўл қурилишида рақамли ечимлар ва инновацион усуллар фаол татбиқ этиб келинмоқда.



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

Аммо яқин ўтмишимизда юртимиздаги йўллар нафақат масофани босиб ўтишга, балки носоз инфратузилма сабаб юзга келган машаққатларга сарфланади. Вақт энг бебаҳо неъмат, тиклаб бўлмас ресурс. Бироқ ёмон йўллар миллионлаб инсонларнинг бебаҳо соатларини ўғирлади.

Энг ёмони, замонавий ва сифатли йўллар етишмаслиги иқтисодиёт ривожини секинлаштирувчи омиллардан бирига айланиб, ишлаб чиқариш, логистика ва хизматлар соҳасида қўшимча харажатлар, вақт йўқотишларига сабаб бўлиб келди. Қисқаси, йўлларимизнинг аҳоли тараққиётининг оёғига тушов бўлиб қолган эди.

2017 йилгача мамлакатимизда йўл хўжалиги самарадорлигини чеklang келган қатор муаммолар бор эди. Йўллар капитал таъмирга муҳтож, инфратузилма ортиб бораётган транспорт оқимиға мос келмасди.

Режалаштириш, мониторинг ва бошқарувда замонавий ёндашувларга жиддий эътибор қаратилмади. Молиялаштириш ҳам чекланган. Нормативлар эскиргани ҳамда инновацион технологиялар қўлланилмагани боис, иш сифати пасайиб, ташвиш харажатлари ортиб борган.

Бу эса логистика занжирлари мослашувчанлиги, ҳудудлар рақобатбардорлиги

“ Келгуси йилларда 21 минг километр йўллари қуриш ва таъмирлаш, 14 минг километр тупроқ йўллари шағаллаштириш ҳамда 325 та кўприкни таъмирлаш режалаштирилган. Бунда соҳага хорижий экспертлар ва технологиялар, илғор стандартлар кенг жорий қилинади. **”**

ва халқаро транзит имкониятларига салбий таъсир кўрсатган.

Сўнгги йилларда йўл хўжалигини модернизациялаш бўйича изчил ва кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Йўлларга фақат манзилга етакловчи восита эмас, балки иқтисодиёт, туризм ва ҳудудий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий омил сифатида қаралади.

Бу соҳа устувор йўналишлардан бирига айланиб, кенг қўламли қурилиш ва реконструкция бошланди. Автомобиль йўллари, кўприклар, транспорт йўналишлари ҳамда айланма йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Асосийси, соҳада лойиҳалаш ва сифат назорати бўйича замонавий стандартлар жорий этилди. Йўл қурилишида ҳам инновацион усуллардан фойдаланиб, рақамли мониторинг тизимлари ва йўл ҳаракатини бошқаришнинг интеллектуал ечимлари фаол қўлланилмоқда.

Энг муҳими, йўллари илмга асосланган, замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор кучайди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларининг намунавий андозаларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқшига ўтилди.

Халқаро транспорт йўлакларни кенгайтириб, мамлакатнинг транзит салоҳияти мустаҳкамланиб, ҳудудларара транспорт

алоқалари сифат жиҳатидан яхшиланмоқда. Жойларда янги инфратузилма объектлари барпо этилиб, логистика марказлари кенгайтирилди. Йўл тармоғини узоқ муддатли ривожлантириш амалиёти жорий қилинди. Хусусан, охириги уч йилда автотўли соҳасига қарийб 40 триллион сўм ажратилиб, 63 минг километр йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Соҳага хориждан жалб қилинаётган маблағлар 3 баробар ошиб, 2025 йилда 1,2 миллиард долларга етди. Замонавий турдаги қопламалар ишлаб чиқилиб, йўлларнинг хизмат муддати 1,5 баробар оширилди.

Мавжуд умумий фойдаланишдаги ва ички йўллар ҳамда кўприкларни таъмирлаш, янгиларини барпо этишда илғор тажриба ва жаҳонда ўзини оқлаган технологиялардан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилди.

Келгуси йилларда 21 минг километр йўллари қуриш ва таъмирлаш, 14 минг километр тупроқ йўллари шағаллаштириш ҳамда 325 та кўприкни таъмирлаш режалаштирилган. Бунда соҳага хорижий экспертлар ва технологиялар, илғор стандартлар кенг жорий қилинади.

Бугун янги йўлларнинг 61 фоизини, “Ташаббусли бюджет” доирасида эса

ички йўлларнинг 92 фоизини хусусий сектор қурмоқда. Узоқ йиллар давлат монополиясида бўлган йўлларни сақлаш ишлари ҳам босқичма-босқич хусусий шерикликка берилмоқда.

Бу ишлар кенгайтирилиб, жорий йилда 3 минг километр, 2030 йилга бориб эса 6,3 минг километр йўлни сақлашга тадбиркорларни жалб қилиш режалаштирилган.

Шу йилнинг ўзида 28 та хизмат электрон шаклга ўтказилади, интеллектуал транспорт тизими жорий этилади ва 7 та янги электрон платформа ишлаб чиқилади.

Бу борадаги ишларнинг сифат жиҳатидан яхшиланishi мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Зеро, транспорт инфратузилмаси иқтисодиёт тармоқларини ўзаро боғлаш, ҳудудлар салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, аҳоли ва бизнес учун қулайлик яратишда муҳим ўрин тутади. Шу боис, автомобиль йўллари, авиация, логистика ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 26 май кунини транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бўлиб ўтган тақдиротда ҳам бу борада муҳим вазифалар белгиланди.

Унда Тошкент — Самарқанд муқоабил автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди. Унинг узунлиги 282 километр бўлиб, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларини боғлайди. Лойиҳа доирасида 12 та транспорт ечими, 60 та туннелли ўтиш жойи, 91 та кўприк, 16 та йўл ўтказгич, 258 та дренаж иншооти ва интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, 12 та терминал, йўл бўйи инфратузилмаси ва вазн ўлчаш тизими ташкил қилинади.

Албатта, бундай кенг қўламли лойиҳалар миллионлаб йўл ҳаракат иштирокчиларининг кундалик фаолиятида акс этиб, янги транспорт экотизимини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Аҳамиятлиси, бундай ташаббуслар биринчи галда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилиб, йўл хўжалигини иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверига айлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро транспорт тармоғидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Олий аттестация комиссияси Фанлар академияси ҳузурда мустақил ташкилот сифатида фаолият юрита бошлади. Муҳим жиҳат шундаки, энди илмий даража бериш жараёни бевосита академик муҳит билан интеграциялашмоқда. Агар аввалги тизимда маъмурий бошқарув элементлари кучли бўлган бўлса, янги тизимда академик мустақиллик ва профессионал баҳолаш устувор аҳамият касб этмоқда.

Бугуннинг гапи

www.yuz.uz

f

yuz.uznews

Telegram icon

yuz_official

Instagram icon

yuz.uz_news

YouTube icon

yuz.uz_news

РАҚАМЛИ ОЛАМ МАСЪУЛИЯТИ

Эшик қоқмай кираётган хавфдан қай тарзда ҳимояланамиз?

Бугун инсоният тамаддуни технологик тараққиётнинг энг юқори чўққисига кўтарилмоқда. Сунъий интеллект, рақамли трансформация, глобал тармок ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Аммо танганинг иккинчи томони бўлганидек, бу шиддатли жараён инсоният олдига илгари кузатилмаган янги таҳдид ва хавфларни ҳам кўндаланг қўймоқда. Бугун энг катта хавф уйимиз дарвозаларидан эмас, балки қўлимиздаги митти гаджетлар экрани — виртуал олам орқали кириб келаётгани аччиқ ҳақиқат. Англаганингиздек, гап глобал муаммага айланиб улгурган кибержиноятчилик ва рақамли фирибгарлик ҳақида бормоқда.

устида кўлга олинди” каби сохта ваҳималар орқали ёки аксинча, осон даромад топишга бўлган интилишни, яъни сохта онлайн ютуқли ўйинлар, давлат номидан берилмаган сохта компенсация ёки субсидия ваъдалари орқали маҳорат билан бошқармоқда. Бундай психологик босим остида қолган инсон ўзи сезмаган ҳолда мантқиқий фикрлаш қобилиятини йўқотади ва ўз қўли билан бор-будини фирибгарларга топширади. Бу эса кибержиноятчиликка қарши курашда фақат техник тўсиқлар эмас, балки аҳоли ўртасида кучли психологик ҳушёрлик ва огоҳликни шакллантириш нечоғли зарурлигини кўрсатади.

Учинчидан, шиддат билан ривожланаётган сунъий интеллект (СИ) имкониятларидан ғарзали ва жинойи мақсадларда фойдаланиш кўламини кенгаймоқда. Технологик инқилоб маҳсули бўлган бу тизим бугун фирибгарлар қўлида инсониятга қарши хавфли курашга айланмоқда. Хусусан, дипфейк (Deepfake) технологиялари ёрдамида инсонларнинг рақамли қиёфаси, юз ҳаракатлари ва овозини юқори аниқликда сохталаштириш имконияти пайдо бўлди. Эндиликда фирибгарлар интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган бир неча сониялик оддий аудио ёки видеоматериал орқали исталган инсоннинг овозини мукамал кўчириб олмақда. Бугун фарзандингиз, ота-онангиз ёки яқин дўстингиз қиёфасида ва унинг овози билан кўнгирик қилиб, “оғир вазият тушиб қолгани”ни айтиб, пул сўраш ҳолатлари узоқ келажақдаги прогноз эмас, кундалик ҳаётимизда яраётган аччиқ ва дахшатли воқеликка айланиб улгурди. Сунъий интеллект орқали содир этилаётган бундай виртуал жиноятлар инсонларни нафақат моддий жиҳатдан хонавайрон қилмоқда, балки одамлар ўртасида энг олий туйғу — бир-бирини ёки ишонч ва яқинлик муносабатлари ҳам рахна солмоқда. Бу эса рақамли маконда ҳар қандай ахборот ва визуал далилни бир неча бор текшириш, техник ва ҳуқуқий “рақамли қалқон” тизимини яратиш даврининг энг кечиктириб бўлмаган талаби эканидан далолат беради.

Муаммонинг энг оғриқли ва дахшатли нуқтаси тирик инсонлар тақдиридир. Фирибгарлар тузоғига тушиб, бор-будидан айрилган, уларнинг олдиди билан ўз номига катта миқдорда онлайн кредитлар расмийлаштириб қўйилган оддий фуқаролар бугун оғир молиявий ва руҳий босим остида қолмоқда. Бунинг оқибатида жамиятда чуқур руҳий тушкунлик, оилавий низолар, мустаҳкам оилалар парчаланиши ва ажрашиллар сони ортмоқда. Ҳатто чорасизликдан, қарзлар юқини кўтара олмай, суиқасд ҳолатига борилаётгани ва хавфга қарши бутун жамият бўлиб, бонг уриб курашиш фурсати аллақачон келганидан далолат беради.

Олдини олиш механизми: “рақамли иммунитет” шарт

Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва инсон қадрини улуғлаш бош мақсад экан, ушбу глобал хавфга қарши тизимли, занжири ҳамкорлик механизмини яратишимиз шарт. Бу борада қуйидаги чора-тадбирларни жаддаллаштириш лозим:

- мактабгача таълимдан тортиб, мактаб, олийгоҳлар ва “маҳаллабай” тизимгача ижтимоий профилактика субъектлари иштирокида “медиаасвоҳдонлик ва киберхавфсизлик” соатларини мажбурий жорий этиш зарур. Инсон виртуал ҳавола (линк)ни босишдан олдин унда шубҳа ҳисси уйғониши керак.
- банклар сунъий интеллект ёрдамида шубҳали ва нотипик транзакцияларни

Мамлакатимиз жорий йилда илк бор ушбу нуфузли тузилмага тўлақонли аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон делегацияси халқаро минбардан туриб мазкур трансмиллий хавфга қарши очик мулоқот, глобал тажриба алмашинуви ва тезкор ҳамкорлик давлатини илгари сурди.

Нега фирибгарлар тузоғига тушяпмиз?

Хўш, нима учун киберфирибгарлик географияси ва кўлами бу қадар кенгайиб бормоқда?

Биринчидан, аҳолининг, айниқса, рақамли оламга эндигина қадам қўётган ёшлар ва замонавий технологиялардан бирмунча узоқ бўлган кекса авлод вакилларнинг рақамли саводхонлиги, яъни “рақамли гигиена” қондаларини етарлича бимаслигидир. Бугунги кунда кўпчилик виртуал оламни фақатгина ижтимоий тармоқлар ва “кўнгилочар маскан” сифатида кўради, бироқ у ердаги хавф-хатарларни англаб етмайди. Энг оддий, аммо ҳаётини хавфсизлик қондаси — банк картасининг махфий маълумотлари, ПИН кодни ёки мобил телефонга СМС хабарнома орқали келган бир мартали тасдиқлаш кодларини ҳеч кимга, ҳатто ўзини банк ходими деб таништирган шахсларга ҳам айтмаслик кераклигини англаб етмаслик ачинарли оқибатларга олиб келмоқда. Жиноятчилар одамларнинг соддалиги, ишонувчанлиги ёки ваэзиятни тўғри баҳолаш олмастлигидан усталик билан фойдаланиб, йиллар давомида пешона тери билан йиққан оилавий жамғармаларини сониялар ичида кўлга киритмоқда.

Иккинчидан, виртуал оламдаги фирибгарлар қўлаётган “ижтимоий муҳандислик” усуллари кун сайин мураккаблашиб, инсон психологиясига чуқур кириб бораётганидир. Бугунги кун жиноятчилари нафақат техник дастурларни, балки инсон туйғуларини ҳам маҳорат билан “чипга солувчи” ўзига хос манипуляторларга айланган. Улар ўзини “банк хавфсизлик хизмати ходими”, “ҳуқуқ-тартибот органи вакили” ёки “давлат идораси масъули” сифатида таништириб, пухта ўйланган сценарийлар асосида иш кўрмоқда. Жиноятчилар фуқароларнинг энг нозик туйғуларини — тўсатдан пайдо бўлган қўрқув ва ҳаяжонни, масалан, “ҳисобингиздан пул ўгирланмоқда”, “яқинингиз қонунбузарлик

Ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар

Кибержиноятчилик фақатгина қайсибир фуқаро ёки тадбиркорнинг маблағ расмий пул айланмасидан чиқиб, яширин иқтисодийт ривожига хизмат қилмоқда. Энг ачинарлиси, бу маблағнинг катта қисми турли криптоактивлар ва виртуал ҳамёнлар орқали хорижга, трансмиллий жинойи гуруҳлар қўлига чиқиб кетди. Бу эса молиявий барқарорликка путур етказиб, ички бозордаги пул-кредит сисеатига, инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Давлат ва халқ бойлигининг бундай назоратсиз чиқиб кетиши миллий хавфсизлик даражасидаги муаммодир.

Шунингдек, киберҳужумлар кучайган сари жамиятда ўзига хос “ишонч инқирози”

автоматик равишда блок-лаш тизимини янада мукамаллаштириши зарур. Айниқса, бир неча дақиқа ичида онлайн кредит олиб, уни бошқа ҳисобга ўтказиш амалиётларига қатъий тўсиқлар қўйилиши зарур.

— жиноятчилар чегара билмагани боис, Марказий Осиё ва жаҳон ҳамжамияти миқёсида тезкор ахборот алмашинуви, кибержиноятчиларни экстрадиция қилиш ва рақамли далилларни тан олиш бўйича халқаро ҳуқуқий базани қучайтириш лозим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тинчлик ва хавфсизлик — барқарор тараққиётнинг бош гарови. Бугун “хавфсизлик” тушунчаси фақат сарҳадларимиз дахлсизлиги билан ўлчанмайди. Ҳар бир фуқаронинг рақамли дунёдаги хавфсизлиги миллий хавфсизлигимизнинг ажралмас бўлагидир. Шундай экан, виртуал оламда ҳушёрлик ва маъсулиятни йўқотмаслик, замонавий технологиялардан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш маданиятини юксалтириш нафақат давлат идоралари, балки ҳар бир инсоннинг виждон амри ва фуқаролик бурчига айланиши шарт.



Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 26 майдаги “Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони соҳада янги даврни бошлаб бераётган муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Бинобарин, ушбу фармон нафақат мавжуд тизимни такомиллаштириш, балки илмий даража бериш, докторантура фаолияти, илмий кенгашлар масъулияти ва академик ҳалолликни таъминлаш бўйича мутлақо янги ёндашувларни жорий этишни кўзда тутмоқда.

ИЛМИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?



Баҳодир ЖОВЛИЕВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мустақиллик ва эркинлик масъулиятни ошириб, формалликка чек қўяди

Амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими салкам ўн йилга яқин муддат мобайнида муайян ижобий натижага берди. Жумладан, докторантура институтлари кенгайди, илмий изланувчиликка қизиқиш кучайди, моддий-техник базалар янгиланди, олий таълим муассасаларида илмий фаоллик ошди.

Бундай ижобий ўзгаришларни яна давом эттириш мумкин. Бироқ вақт ўтиши билан тизимда катор муаммолар ҳам юзага чиққани ҳақиқат. Хусусан, бугун очиклик ва шаффоқлик, илмий-иқодий эркинликка устуворлик берилаётган бир даврда ортқича бюрократик жараёнлар, ҳужжатбозлик кўлиги, илмий кенгашлар фаолиятидаги айрим нувофиқлар, илмий тадқиқотлар ва реал иқтисодий эҳтиёжлар ўртасидаги боғлиқлик тўлиқ таъминланмагани соҳада чуқур ислохотларни амалга ошириш эҳтиёжини яққол намоян этиди.

Шу нуқтаи назардан, янги фармондан асосий мақсад мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун рақобатбардор, инновацион фикрлайдиган ва замонавий тадқиқот методологиясини эгаллаган янги авлод олимларини камолотга етказишдан иборат. Бунда амалиётга татбиқ этилаётган ангилликларни бир неча йилри йўналишга ажратиш мумкин.

Энг аввало, Олий аттестация комиссияси Фанлар академияси ҳузурда мустақил ташкилот сифатида фаолият юрита бошлади. Муҳим жиҳат шундаки, энди илмий даража бериш жараёни бевосита академик муҳит билан интеграциялашмоқда. Агар аввалги тизимда маъмурий бошқарув элементлари кучли бўлган бўлса, янги тизимда академик мустақиллик ва профессионал баҳолаш устувор аҳамият касб этмоқда. Бунда олимларнинг диссертация мавзуси бўйича эълон қилаётган мақола ва тезисларнинг илмий ва амалий аҳамияти, нуфузли илмий жамоатчилик томонидан тан олинishi ҳамда фаннинг реал ечимига хизмат қилаётгани муҳим мезон сифатида баҳоламоқда.

Янги тартиб-тамоилнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири илмий даража олиш жараёнининг соддалашаётганидир. Бунда 2027 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги бир неча тартиб, яъни чет тили бўйича малакавий имтиҳон (мустақил изланувчилардан ташқари), ОАК томонидан диссертация мавзуларини рўйхатдан ўтказиш, диссертация ҳимояси ҳақида алоҳида эълон бериш, диссертацияни етакчи ташкилотда муҳокама қилиш, олинган илмий натижалар амалиёт тўғрисида хулоса олиш каби кўпроқ формал аҳамиятга эга тартиблар бекор қилинмоқда. Бу ўзгаришлар аввалги тизимда кўп вақт ва маблағ талаб қилган жараёнлар қисқаришига хизмат қилиши табиий.

Яна бир янгилик: аввалги тизимда ҳужжатларнинг катта қисми қоғоз шаклида юришган ҳолда авторефератларни чоп этиш, кўп нусхада тарқатиш, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси учун диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилиш, диссертацияни қўлаб босқичларда экспертизадан ўтказиш каби қўшимча йиғилишлар ва ортқича харажат талаб қилувчи расмий-чиликларга ҳам чек қўйилмоқда.

Фармонга мувофиқ, аттестация жараёни тўлиқ рақамлашмоқда. Бунда илмий тадқиқотчиларнинг докторантурага қабул қилинишидан бошлаб диссертация ҳимоясига бундан жараёнда инсон омили иштироки чекланган, барча босқичда шаффоқликка эътибор қаратилмоқда. Бу эса коррупциявий хавфларни қисқартириб, изланувчилар учун қулай илмий-иқодий муҳит яратишига хизмат қилади. Уларнинг ортқича бюрократик тўсиқларга дуч келмаслигини кафолатлайди.

Энг муҳими, рақамли платформа орқали диссертацияларни қабул қилиш, мониторингдан ўтказиш ва баҳолаш тизими халқаро тажрибаларга асосан ташкил этилиб, тизимли йўлга қўйилди. Бунда тадқиқотчи ўз илмий ишининг барча экспертиза жараёнини шаффоқ тарзда ҳамма қатори очик тизимда кузатиб бориш имкониятига эга бўлади.

Эътиборлиси, энди мазкур жараёнда диссертация экспертизаси сифати, плагиатни аниқлаш, қабул қилинган қарорларнинг асослиги учун бевосита илмий кенгашлар жавобгар. Аввалги тизимда эса диссертация жойлардаги олий таълим ёки илмий ташкилотлар ҳузурдаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда тайёрланган бўлса, асосий масъулият ОАК зиммасида деб қаралар эди. Ҳолбуки, бу жараёнда ҳаминча ҳам объективлик ва ҳолисликни таъминлашнинг имкони бўлмаслиги табиий эди. Зеро, бунда фақат расмийлаштирилган ҳужжатлар меъёрий-техник экспертизадан ўтказиларди. Бу эса айрим кенгашлар фаолиятидаги суствақлик ёки ўзибўларчилик ҳолатини юзага келтириш эҳтимолини оширарди.

Янги тизимда эса илмий кенгашлар мустақиллиги кенгайиши асосида масъулиятни ва жавобгарлиги ҳам ошмоқда. Эндиликда шаффоқ мониторинг натижалари асосида самарадорлиги паст кенгашларга нисбатан раис ва котибларни четлаштириш, кенгашни тугатиш, янги кенгаш ташкил қилишни чеклаш каби чоралар қўлланиши белгиланди. Бу ҳолат илмий кенгашларнинг формал эмас, балки ҳақиқий эксперт институтларига айланишига хизмат қилиши табиий. Бинобарин, Олий аттестация комиссияси исталган аттестация ишини танлов асосида

амалий тадқиқот асосида “Лойиха доирасида илмий даража” ва “Амалий докторантура (PhD)” институтларининг жорий этилишидир. Аввалги тизимда диссертациялар кўп ҳолларда назарий йўналишга эга бўлиб, иқтисодийнинг реал эҳтиёжлари билан етарлича боғланмай қоларди. Янги ёндашувга кўра, тадқиқот мавзулари устувор иختисосликлар бўйича уч йилдан кўп бўлмаган тадқиқот лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланиши йўлга қўйилмоқда. Бунда докторант лойиҳа бажарилаётган ташкилотнинг изланувчиси, лойиҳа раҳбари бир вақтнинг ўзида илмий раҳбар ҳисобланади. Эътиборлиси, “Лойиҳа доирасида илмий даража” дастури асосида тадқиқот ўтказиб, амалий натижага эришган талабгорнинг илмий ҳисоботи ортқича экспертизадан ўтказилмай, илмий даражада тасдиқланиши ҳам муҳим энгиликлардан.

“Амалий докторантура (PhD)” дастури асосида ўтказилган тадқиқотларда ҳам таълим ташкилотлари ва санаот корхоналари ўртасида музвий ҳамкорлик ўрнатилиб, диссертация мавзуси бевосита санаот корхонаси талабидан келиб чиқиб белгиланди. Бунда тадқиқот лойиҳаси санаот ҳамкори билан бирга молиялаштирилади. Натижада корхоналар илмий жараёнини иштирокчисига айланди, тадқиқот натижалари амалиётга тўғридан тўғри жорий этилади. Бу модел Германия, Жанубий Корея ва Сингапур каби илмий юқори кўтарган давлатлар тажрибасига яқин бўлиб, ушбу мамлакатлар ривожига катта аҳамият касб этган.

Шунга кўра, тадқиқотларнинг аниқ бир амалий лойиҳа доирасида ишлаб чиқариш



текшириб, асосланган ҳатотликларни учун илмий кенгаш маъқуллаган қарорни бекор қилиш воқолатига эгаллигини сақлаб қолмоқда.

Устувор соҳалар учун махсус қўллаб-қувватлов тизими

Шубҳасиз, ҳеч қайси фан ёки илмий йўналишни иккинчи даражали деб бўлмади. Ҳар бир соҳа ва фан ўз ўрнида муҳим ҳамда долзарб. Аммо барча соҳани бир вақтда тенг ривожлантириб бўлмагани сингарини айни давр ва вазиятда энг талаб юқори соҳаларга устуворлик берилса, жамиятнинг эҳтиёжи ва талаби ўз вақтида янги соҳалар ривожига ҳам имкон яратиши бор гап.

Шу нуқтаи назардан, фармонда мамлакатнинг стратегик ривожланиши учун муҳим соҳалар белгилангани — ижобий тенденция. Яъни сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия, тиббиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги, сув ресурслари, янги материаллар, сиймология бугун юртимиз иқтисодиёти ва истиқболли учун муҳим ўрин тутагани инкор қилиб бўлмайди. Шу боис, ушбу йўналишларда таҳсил олаётган докторантлар учун стипендиялар 1,7 баравар оширилаётгани бугун тараққиётга омил бўлаётган соҳаларга юқори импулс бериши табиий.

Мазкур жараёнда профессор-ўқитувчиларни таърибаси ва маҳоратига кўра шоғирдига бераётган билими учун муносоиб рағбатлантириш тизимининг йўлга қўйилаётгани ҳам фарқланарди. Чунки устузнинг шоғирди камолотидан рағбатига қўшимча моддий манфаатдорлик белгиланиши меҳнатнинг қадр топишдан дарак. Рағбатлантириш тартибининг ҳам шоғирдининг илм йўлида еришажак ютуғига боғланиши изланиши самарасининг ўз муддатида рўйбга чиқишига хизмат қилади.

“Лойиҳа доирасида илмий даража” ва “Амалий докторантура (PhD)” дастурлари ангилликларини нимада?

Янги авлод илмий кадрларини тайёрлашда энг инновацион жиҳатлардан бири

билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилиши ҳам фаннинг реал ҳаёт ва мавжуд муаммо ечимига туртки бериши аниқ. Бунда ҳатто тадбиркорлик субъектларининг ҳам иштирокчига эътибор қаратилганлиги ва уларнинг лойиҳадаги иштирокига кўра фойда солиғига имтиёзлар берилаётгани эътиборлидир. Бу билан диссертация ишлари реал иқтисодий ёки санаот муаммосининг илмий-амалий ечим топишга хизмат қилиши баробарида олимлик рутбасини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Академик ҳалоллик ва сифат назорати — муҳим мезон

Сўнгги йилларда дунё миқёсида академик ҳалоллик масаласи муҳим мавзулардан бирига айланди. Ўзбекистонда ҳам халқаро базаларда чоп этилаётган мақолалар сони ошиб бораётган бир пайтда тадқиқот сифати талаблар кучаймоқда. Шу муносабат билан олимларнинг ягона рақамли профилини яратиш, илмий этика стандартларини такомиллаштириш, доимий мониторинг механизmlарини жорий қилиш жараёнларига эътибор қаратилмоқда. Бу эса диссертациялар сифати ва амалий самарадорлигини ошириш, плагиат ва илмий манипуляцияларнинг олдини олишда муҳим омил.

Инсон фарзандининг қувончидан, ютуқлардан ва камолотидан қувват олади, келажақига умид боғлайди. Бунда эса юрт омонининг мусавволиги, элнинг фаровонлиги ва албатта, ёш авлод таълим-тарбияси, саломатлиги ҳамда илм-фаннинг ривожланиши энг адолатли мезондир. Демак, илм-фан йўлидаги ҳар бир босқич, ҳар бир янгиланиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда, энг аввало, давлат ва жамият ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган, истиқболли учун янада мустаҳкам асос яратилгани англади. Зеро, илм-фан аҳли жамиятини тебратувчи, унга қувват берувчи катта куч.

Шу маънода, мазкур ислохотлар натижасида илм-фан соҳасида натижага йўналтирилган, халқаро стандартларга мос, шаффоқ ва рақобатбардор аттестация тизими шаклландан ҳолда мамлакатнинг интеллектуал капитали янада юксалиши аниқ.



Футбол



Чўққида

ЧАРХ УРГАН СОР БЎЛГИН, БОЛАМ!

(Элдор Шомуродовга)

Элдор, сен эл учун ёр бўлгин, болам, Чўққида чарх урган сор бўлгин, болам! Жаҳон майдонида тўпларинг учди, Ўзбекининг бахтига бор бўлгин, болам!

Бизни билмаганлар билганин кўрдик, Бағрини пичоқсиз тилганин кўрдик. Кўз очиб ногаҳон байроғимизнинг Самода хиллаб турганин кўрдик!

Биз юдик, ғолиблар сафида бормиз, Бахти кулиб боққан тенгсиз диёрмиз. Аббоснинг бўйига бўйлашолмаган Рақиблар қошида мардонавормиз!

Бир кун Соҳибқирон панди қилгангай, Адолат байроғи кўкка илингангай. Янги Ўзбекистон яратган боғлар Сенинг ғалабангга тухфа қилингангай

Қучоқ оч, жар солгин Жарқўрғонингга, Жасорат қайнасин мудом қонингга. Дунё дарвозасин забт этган чоғинг, Роналдо, бош эгиб қолсин ёнингга!

Ахтамқули

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

КАТТА ЙЎЛНИНГ БОШЛАНИШИ

Инсон узоқ кутган орзусига етишган маҳал ҳаяжонми ёхуд бошқа бирор сабабми бир оз довлариш, шу лаҳзалар учун режа қилган айрим ишлари ёдидан фаромуш бўлиб, ғанимат онларнинг қандай ўтганини гоҳ сезиб-сезмай қолиши бор гап. Бутун халқимиз сўнгги бир неча кунлар ичида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги илк иштирокини томоша қила туриб фахру хавотир, кўз ёшию хайратдан иборат ҳис-туйғулар оғушида ана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда яшади.



футболимиз учун ўзига хос ютуқдир. Бундай эътироф Ўзбекистон футболчилари энг йирик майдонларда ҳам юксак индивидуал маҳорати-ни намойиш эта олишини бутун дунёга кўрсатди десак, адашмаймиз. — Барча футболчилар жаҳон чемпионати майдонида охириги дақиқагача бор кучи ва имкониятини ишга солди. Натига кўнгидагидек бўлмади, бунинг учун, албатта, мухлис-ларимиздан уэр сўраймиз, — деди терма жамоамиз сардори Элдор Шомуродов. — Шу билан бирга, бу мундиал Ўзбекистон футбол-и учун жуда катта мақтаб, бутун мамла-катимиз учун эса муҳим ютуқ бўлди деб ўй-лайман. Футбол тўғрисида халқимиз бир тану бир жон бўлди, миллионлаб юртдошларимиз битта мақсад, битта оруз атрофида жипслаш-ди. Ана шу бирдамлик, халқимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши биз учун энг катта куч бўлди. Биз бу ишончини қадрлаймиз ва келгусида мухлис-ларимизни янада кўпроқ хурсанд қилиш учун бор кучимиз билан ишлашда давом эта-миз. Шундай экан, миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги илк иштироки якун-ланган бўлса-да, аслида миллий футболимиз учун янги босқич энди бошланди. Жаҳон чемпионати-даги дебюти-миз эса миллионлаб ёшлар қалбида янги озуларни уйғотди, футбол билан шугу-лланиш истагини янада кучайтирди, юртимизда ушбу спорт турининг нуфузи ва таъсирини янги босқичга олиб чиқди. Энг муҳими, халқимиз ўз жамоасига бўлган ишончини янада мустаҳкам-лади. Ишонч бор жойда интилиш бўлади, инти-лиш бор жойда эса тараққиёт давом этади. Демак, мундиалда бошланган тарих ҳали ўзининг энг ёрқин саҳифаларини ёзишга улгурмаган. Олдин-да Ўзбекистон футболбини бундан-да улкан зафар-лар сари етаклайдиган янги марралар кутмоқ-да. Ишонимизки, бу — ҳали катта йўлнинг бошлани-ши, холос!

Бу кунлар, шубҳасиз, халқимиз хотирасида янги даврнинг бошланиши, узоқ йиллик орзу-лар рўёби ва албатта, келажак сари ташланган дадил қадам сифатида муҳрланди. Дунёнинг энг нуфузли футбол мусобақасида илк бор Ўзбеки-стон байроғи хиллабган, мадҳиямиз янграгани, футболчиларимиз жаҳон футболнинг энг йирик саҳнасида мамлакатимиз шарафини мардонавор ҳимоя қилгани миллий спортимиз тарихида ўч-мас из қолдириди.

Тошкент халқаро аэропортида мундиалдаги иштирокини якунлаб, ватанимизга қайтиб кел-ган чарм тўп усталаримизни мутасаддилар, фут-болчиларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда мухлис-лар иштирокида кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар ушбу тарихий иштирок юртимизда спортга, хусусан, футболга қаратилма-ётган улкан эътибор самараси эканини яна бир бор қайд этиб, мундиал кунлари футбол бутун халқни ягона туйғу атрофида бирлаштирган улкан маъна-вий ҳодисага айланганини алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг турли ҳудудларида, дунёнинг қайси бурчагида яшайдиган қатти на-зар, ватандошларимиз бир вақтда битта жамоага мухлис-лик қилди, ҳар бир вазиятни ҳаҷон билан кузатди. Марказий Осиёдаги қардош халқлар, туркий давлатлар жамоатчилиги ҳам Ўзбеки-стон терма жамоасини чин дилдан қўллаб-қув-ватлади. Футбол майдонида бошланган ана шу бирдамлик туйғуси халқларни бир-бирига янада яқинлаштирадиган, ўзаро ишонч ва дўстлиқни

мустаҳкамлайдиган муҳим омил си-фатида намоён бўлди.

Жаҳон чемпионати ҳар қандай жа-моа учун ўзига хос синов майдони са-налади. Бу ерда ҳар бир ўйин алоҳида ёндашушни талаб қилади, биргина ки-чик эпизод ҳаммасини ҳал қилиб қўйи-ши мумкин. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам АҚШ ва Мексика майдон-ларида ўтган баҳсларда айнан шундай муҳитни бошдан кечирди. ФИФА рейти-н-гида дунёнинг етаки жамоалари қаторидан ўрин олган Португалия ва Колумбия, таркибида Европанинг нуфузли клубларида тўп сураётган футболчилар жамланган Конго ДРга қарши ўйин-лар жамоамиз учун катта тажриба мактаби бўлди.

Президентимиз 30 июнь кунни мамлакатимиз ёшлари билан учрашувда Ўзбекистон миллий тер-ма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпи-онатидаги иштирокига тўхталиб ўтар экан, айни шу жиҳатларни қайд этиб, жумладан, "Миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги ишти-роки тўғрисида турли фикрлар билдирилмоқ-да. Лекин Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган тер-ма жамоамиз аъзоларига ортқча ҳис-туйғу би-лан эътироз билдириш, улاردан айб қидириш халқимизга хос иш эмас. Аксинча, бутун улари-ни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ҳар қачон-гидан ҳам муҳим", дея таъкидлади.

Катта ғалабалар ҳали олдинда экани, бунинг учун футболни ривожлантиришга янада кенг ша-роитлар яратилиши, бу соҳага инвестиция кўпай-тирилиши таъкидланди. Энг аввало, болалар

футболга эътибор кучайтирилиб, мазкур спорт умуммиллий ҳаракатга айлантирилади. Келаси йилнинг январиде Саудия Арабистони майдонла-рида ўтказиладиган футбол бўйича Осиё кубогига тайёргарлик ҳозирдан бошланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз жамоамизга ишо-намиз ва ушбу мусобақада ҳам бутун халқимиз билан қўллаб-қувватлаймиз!

Яна бир муҳим жиҳат. Футболимиз тарихида жаҳон чемпионатидаги дастлабки голларимиз алоҳида воқелик бўлди. Аббос Файзуллаев ва Элдор Шомуродов томонидан киритилган голлар миллионлаб юртдошларимиз қалбида унутилмас кувонч уйғотди. Айниқса, Элдор Шомуродовнинг Конго ДР дарвозасига йўллаган ажойиб зарбаси ФИФА томонидан гуруҳ босқичининг энг чи-ройли голи сифатида эътироф этилгани миллий

Мулоҳаза

Тунов кунни анча йилдан бери жимжит бўлиб кетган бир курдосим кўнгирик қилди. Хол-аҳвол сўрашдик. "Бир шаҳарда яшасак-да, узоқлашиб кетдик-ку, бу яхшимас", дея ўзаро гинахонлик қилдик. Сўнг у муддаога ўтди:

— Уйимда сўнгги йилларда ўқиган 100 га яқин китоб йиғилиб қолган. Мутулаа қилиб бўлгач, жавонга қандай қўйган бўлсам, шундай турибди. Турса тураверади-дан чег босиб. Ҳаммаси яхши бадийи асарлар. Жавонда кўр тўкиб туравермай, улари ким-ларгадир берсам, бошқалар ҳам ўқиса деб ўйлаб қолдим. Юртдошларимиз ичиде мен қабилир кўп бўлса керак. "Алмашиб ўқиб" деган тажрибани йўлга қўймоқчиман. Ўзи бизда бундай амалиёт борми? Назаримда, бир пайтлар шунга ўхшаш ҳаракатлар бўлар эди. Кейин кўпчилик эътибор бермай қўйди. Шу ҳақда бир мақола ёзсангиз яхши бўлар-ди.

Унинг гапларидан ўйлаиб қолдим. Китоб инсон маънавиятини бойитувчи, дунё-қарашини кенгайтирувчи энг муҳим ман-балардан бири дейимиз. Бироқ кўп ҳолларда ўқиб бўлинган китоблар жавонларда узоқ вақт фойдаланилмай туради, тураверади. Ана шундай вазиятларда китоб алмашиб акциялари манбаларнинг янги ўқувчилар қў-лига етиб боришга хизмат қилади-ку. — Жуда яхши ўйлабсиз, дўстим. Ҳамма ҳам сиз айтгандек йўл турса, ўқилган китоб-ларни бошқалар билан алмашиб йўлга қў-йилса, бу акция аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш, мутулаага ки-зиқини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир инсон янги китобга эга бўлади ва қўшимча харажат қилмай, китобхонлик қўламини кен-гайтиради. Мутулаага чанқоқ одамнинг ҳар



"БИР КИТОБ БЕР – БИР КИТОБ ОЛ" АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ҳафта янги китоб сотиб олишга имконияти етмаслиги мумкин. Менинг ҳам оилавий ўқиб бўлинган бир қанча китобим бор. Кели-н-г, алмашиб ўқиш акциясини иккимиз бошлаб берамиз.

Дам олиш кунни дўстимиз келди. Бир дун-е китоб ташлаб, мен берганларни машинаси-га жойлади. Мен у келтирган, у эса мендан олган китобларни бир-бир варақлаб, суҳбат-лашдик.

— Бу нафақат ўқилган китобхонлар со-нини ошириш, балки одамлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда

ҳам қўл келади. Китобсеварлар ўзи ўқиган асарлар ҳақида фикр алмашиб, бир-бирига кизиқарли адабиётларни тавсия этади. Ай-ниқса, ёшлар учун бундай акциялар китоб ўқишга кизиқини янада кучайтиради.

— Тўғри айтсангиз. Китоб алмашиб акция-сининг яна бир муҳим жиҳати — экологик аҳамияти. Янги китоб сотиб олиш ўрнига маъмурий китоблардан самарали фойдаланиш орқали ресурслар тежалди ва китоблар-нинг умри узайтиради. Бу эса истемол маданиятини оширишга хизмат беради. Ўқиб бўлинган китобларни бошқалар билан

алмашиб акцияси китобхонлиқни тарғиб қи-лишнинг самарали усулларидан бири бўлиб қолса, не жааб.

Дўстимни кузатиб, ўзимча "алмашиб ўқиб" концепциясини туза бошладим. Ак-цияни бир неча йўналишда ташкил қилиш имкони бор экан. Масалан, мактабларда "ки-тоб алмашиб кунини" жорий қилиш мум-кин. Ёки кутубхонада "Бир китоб бер — бир китоб ол" акцияси ўтказилади. Ўқувчилар ўзи ўқиб бўлган бадийи асарларни олиб ке-либ, бошқа ўқувчиларнинг китоби билан ал-маштиради.

Худди шу ишни маҳалла миқёсига кў-чирса, самара янада ортади. Маҳалла фео-лари аҳоли ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш мақсадида китоб алмашиб манзили белгиланади. Турли ёшдаги китобхонлар ўз китобини тақдим этади ва кизиқарли янги асарларни таллаб олади.

Олий таълим муассасаларида эса ҳар бир талаба ўқиб бўлган китобини махсус ташкил этилган бурчакка қўйиб кетиши ва ўрнига бошқа китоб олиши мумкин. Шунингдек, онлайн китоб алмашиб ҳам жуда қулай усул. Ижтимоий тармоқларда китобсевар-лар гуруҳи ташкил қилиниб, иштирокчилар ўқиб бўлган китоблари ҳақида маълумот жойлаштиради. Қизиққан кишилар ўзаро боғланиб, китоб алмашади.

Икки-уч йил бурун бир гуруҳ ташаббус-кор ёшлар замонавий технологиялар имко-ниятидан фойдаланиб шу усулда бу ишга қўл уриб кўрган ҳақида эшитганим. Мах-сус очилган телеграм гуруҳида кизиқувчи-лар ҳам анча экан. Вилоятлараро етказиб бериш масаласида муаммо пайдо бўлган шекилли, бу иш тўхтаб қолди. Хусусий ет-казиб берувчилар, почта хизмати нархла-рини ёшларнинг ҳамени кўтармади чоғи. Эҳтимол, узоқ ҳудудлар орасида алмашу-вни таъминлаш учун кўнгилилар гуруҳларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Хуллас, бу — қилса бўладиган иш. Фақат бир оз кунт ва ҳафсага керак.

Ун йиллар аввал ёшлар китоб ўқймай қўйгани ва бу жиддий салбий оқибатларга олиб келиши хавфи ҳақида бонг урилгани бежиз эмас. Ушбу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, давлатимиз раҳбарининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожланти-риш, китоб мутулааси ва китобхонлик ма-даниятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги, Вази-лар Маҳкамасининг "2020-2025 йилларда китобхонлик мадания-тини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинган эди.

Бутун жамяят китобхонлиқка юз тутди. Сўнгги йилларда китоб сифати, чоп этила-ётган китоблар сони ва савдоси ошди. Жа-моат жойларида, транспортда китобга кўз тиккан ёшлар, ҳамюртларимизга тез-тез дуч келадиган бўлди. Кутубхоналар ҳам гавжумлашиб қолди. Республикалар бўй-лаб китоб мутулаасига ундовчи, рағбат-лантирувчи, анъанага айланган тадбирлар кўпайди. "Маърифатли оила", "Ёш китоб-хон", "Китобхон оила", "Юз газал — юз жа-воҳир" каби танловлар ўтказиб келиняпти. Ўзбек тилида янги нашр этилган бадий асарлар рўйхати, китоб дўконлари манзи-ли ҳақида маълумотлар бериб борадиган платформалар фаолияти анча жонланди. Сиз болаларингизни эмас, аввало, ўзин-гизни тарбияланг, шунда улар сиздан андоза олади дейилган донолар ўғитида. Фарзанд ота-онанинг китоб ўқётганини кўрса, унда ҳам китобга меҳр пайдо бўлади. Теле-визор ёки телефон олдида эмас, китоб билан ўтказилган вақт фарзанд тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Жамяят ва давлатлар тараққиётга маънан етуқ, билимли ва юксак ахлоқли инсонлар билан эришади. Буларсиз иқтисодий ин-новация ҳам бўлмайдди. Шу боис, ёшлар тарбия-си, маънавияти ва китобхонлик масаласи ҳар бир даврда энг долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Глобаллашув жараёни куча-йиб, ахборот майдони чегара билмайдиган замонада ёш авлодини тўғри тарбиялаш, маъ-навий оламни бойитиш ва китобхонлик ма-даниятини юксалтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланмоқда.

Президентимиз иллари сурган беш муҳим ташаббусдан бири ҳам китобхонлик маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида ки-тоб тарғиботини кучайтиришга қаратилган. Келажак авлодининг қалби илм нури билан тўлиши учун қилинган ишлар эса, албатта, ўз мевасини беради.

Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

